

Тошмонова Ч., Нормуротова И. (Самарқанд, СамДУ)

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ДАРЁЛАРИ ОҚИМИНИНГ ЙИЛ ИЧИДА ТАҚСИМЛАНИШИ

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида кенг кўламда суғорма деҳқончиликнинг ривожланишини кўриш мумкин. Шу сабабли мамлакатимиздаги мавжуд сув ресурсларини ҳисобга олиш, улардан тежаб фойдаланиш, миқдор ва сифатини салбий ўзгаришлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Қашқадарё Ўзбекистоннинг жанубида, Амударё ва Зарафшон дарёлари ҳавзаларининг ўртасида жойлашган ва сувлик жиҳатидан улардан кам бўлса ҳам, ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти жуда каттадир. Қашқадарё вилояти аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан бири ҳисобланиб, қадимдан воҳа ландшафтлари дарё суви билан суғорилиб келинган.

Ҳозирги кунда ҳам ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларини сув билан таъминлаш мақсадида Қашқадарё оқими, унинг ирмоқлари, кўп сонли сой сувлари, ер ости сувлари ҳамда қўшни Амударё ва Зарафшон дарёлари сув захираларидан кенг фойдаланилмоқда. Қашқадарё ва унинг ирмоқлари оқими сув омборлари ёрдамида бошқарилиб, суғориладиган ерларни доимий сув билан таъминлашга имкон яратилади.

Қашқадарё Зарафшон тизмасининг ғарбий тармоғининг жанубий ёнбағридан бошланади. Юқори оқимда у баланд плато бўйлаб, чуқур водийда оқади; дарё водийси кўп жойларда тор V ҳарфига ўхшайди, унинг баъзи жойлари бироз кенг, баъзи жойлари эса тангидан иборат. Кўп жойларда водий ёнбағирлари тик, уларнинг баландлиги 50-120 м келади. Яроғқ ирмоғи келиб қўшилганидан кейин водий бироз кенгаяди, унинг эни 100-200 м гача етади. Шу ердан бошлаб дарёда қайир пайдо бўлади. Қайирнинг кенглиги

Дуғоба қишлоғи ёнида 100 м ча етади. Хазрати Башир қишлоғидан бошлаб дарё суви ариқ ва каналларга олина бошлайди. Дуғоба қишлоғидан ўтгач, дарё нисбатан кенг водийда оқади. Оқсув ирмоғининг қуйилиш жойига қадар дарё водийсининг кенглиги кўпинча 200-250 м, ундан қуйида эса 800-1500 м га етади. Чироқчи қишлоғига яқинлашганда водий янада торая бошлайди. Чимкўрғон қишлоғи ёнида келганда унинг кенглиги 150 м гача тораяди.

Оқсув ирмоғининг қуйилиш жойидан ўтгач дарёнинг қайири анча кенгаяди, унинг эни бир неча юз метрга етади. Оқсув ирмоғининг қуйилиш жойидан қуйида дарё ўзани бир неча тармоқларга ажралиб кетган. Чим қишлоғидан бошлаб қуйида дарё ўзани қиёфаси жуда тез ўзгариб туради, ўзанининг чуқур ва саёз жойлари ва қирғоқ бўйлари бир жойда турмасдан ўзгариб туради. Тоғлардан чиққанидан сўнг Қашқадарёга чап томондан Қашқадарёнинг ўзидан ҳам серсув ирмоқлари келиб қўшилади. Дастлаб кичкинагина Жиннидарё келиб қўшилади. Шундан сўнг Чироқчидан 18 км юқорида бу ҳавзада энг серсув Оқсув дарёси, ундан сўнг эса Тангхоз дарёси келиб қуйилади. Ҳавзанинг серсув иккинчи дарёси бўлган Яккабоғдарё Қашқадарёга тўғридан-тўғри келиб қуйилмайди. Яккабоғдарё тоғлардан чиқиши билан Қашқадарёга етмасдан иккита тармоққа бўлиниб кетади; булардан бири Қорабоғ номи билан ғарбга томон оқади ва этак қисмида суғоришга сарф бўлиб кетади. Иккинчи тармоқ эса Қизилсув номи билан шимоли-ғарб томон оқиб, Тангхоз дарёсига ва у орқали Қашқадарёга қуйилади.

Қашқадарёнинг охирги чап ирмоғи Ғузордарёдир. Ғузордарё Катта Урадарё ва Кичик Урадарёнинг қуйилишидан ҳосил бўлади, қуйи оқимида у Қорасувдарё деб аталади.

Яккабоғдарё билан Ғузордарё оралиғда Лангар деган кичкинагина дарё бор. Бироқ тоғдан чиқиши билан суғоришга олиними туфайли бу дарёнинг суви Қашқадарёга етиб келмасдан анча нарида тугаб кетади. Тоғлардан чиққанидан сўнг Қашқадарёнинг суви бошдан-оёқ суғоришга олинади.

Ғузордарё келиб қўшилган жойдан Қарши воҳаси бошланади ва дарёнинг бу ергача етиб келган сувлари ана шу воҳани суғоришга сарф бўлади. Бу воҳанинг этагидан бошлаб Қашқадарё Маймоқдарё номини олади ва ўзани деярли сувсиз қолганлигидан кўп ўтмасдан Қарши даштларида тугаб кетади. Қашқадарёнинг бу ирмоқлари юқори оқимда кўп жойларда чуқур ва тор водийларда тез-шариллаб оқадиган типик тоғ дарёларидир. Тоғлардан текисликларга чиққач дарёларнинг водийси кенгаяди, улар чуқур, кенг ва эни 300-400 м гача борадиган қайири бор ўзанларда оқади. Кўп жойларда дарёларнинг ўзанлари тармоқланиб кетган, уларнинг ирмоқлари тик ва баланд, лекин дарёларнинг қуйи оқими томон пасайиб боради.


Қашқадарёнинг ўнг қирғоқ томонида йирик ирмоқлар йўқ фақат баланд бўлмаган Қоратепа тоғининг жанубий ёнбағридан йиғирмага яқин сой оқиб тушади. Бу сойлар тўртхавзага бирлашган; Шўрабсой (хавза майдони 49.4 км²), Макридсой (хавза майдони 47.5 км²), Оёқчисой (хавза майдони 125 км²) ва Қалқамасой (хавза майдони 350 км²). Сув йиғилиш майдонлари кичик ва паст бўлганлиги сабабли бу сойларда жуда оз сув оқади. Шунинг учун ҳам қисқа вақт давом этган сел оқиш даврини ҳисобга олмаганда улар Қашқадарёга етиб бора олмайди ёки етганда ҳам жуда оз сув келтириб қуяди.

Сув йиғилиш майдонлари баланд жойлашганлиги туфайли Оқсув, Яккабоғдарё ва Тангхоз дарёлари қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар типига киради. Шунга кўра хавзанинг бошқа дарёларига қараганда у дарёларда тўлин сув даври кеч кузатилади, шу билан бирга бу дарёлар хавзанинг энг серсув дарёлари бўлиб ҳисобланади.

Максимал ўртача ойлик сув сарфлари ҳар учала дарёда ҳам асосан июнь ойига, минимал сув сарфлари эса декабрь-январь ойларига тўғри келади. Март –июнь ойларида мавсумий қорлар эриб ёмғир кўп ёғадиган даврда Қашқадарё билан Жиннидарёда энг кўп сув оқади. Лекин июль-сентябрь ойларида бу дарёлар суви жуда камайиб кетади, чунки бу даврда ер ости сувлари ҳисобига тўйинади.

Ғузордарёнинг сув йиғиш майдони жуда паст, унинг ўртача баландлиги

1532 м га тенг, холос. Бундан ташқари Қашқадарё ҳавзасидаги бошқа дарёларнинг сув йиғилиш майдонига қараганда Ғузордарёнинг сув йиғилиш майдони нам келтирувчи ҳаво массаларига анча ноқулай жойлашган.



1-расм. Қашқадарё ва унинг ирмоқларининг ўртача ойлик сув сарфларининг ўзгариши

Ғузордарё асосан мавсумий қор ва ёмғир сувлари билан тўйинади, шунинг учун ҳам максимал сув сарфи апрель ойида, минимал сув сарфи эса сентябрь ойида кузатилади. Қашқадарёнинг ўнг ирмоқларини сувлари кам ўлчанган, уларнинг режими яхши ўрганилмаган. Маълумотларга қараганда, Оёқчисойнинг ўртача сув сарфи $1.1 \text{ м}^3/\text{сек}$, Қалқамасойники эса $2.30 \text{ м}^3/\text{сек}$ Қашқадарё ҳавзасининг тоғли ҳудудида (8780 км^3) ҳаммаси бўлиб ўртача ҳисобда секундига 50 м^3 ёки йилига 1575 млн. м^3 миқдорда оқим ҳосил бўлади. Қашқадарё ҳавзасининг ўртача оқим модули $5.7 \text{ л}/\text{сек}$, км^2 га тенг. Бироқ, шунга қарамасдан сув етишмаганлигидан бу ҳавзадаги экинбоп ерларнинг кўп қисмидан ҳозиргача фойдалана олмаяпти. Экинбоп ерлар билан сув ресурслари ўртасидаги тафовутга барҳам бериш соҳасида бир қанча ишлар қилинмоқда.

Адабиётлар

1. Сирлибоева С.З., Ашуров Ш.С., Ширинбоев Д.Н. Қашқадарёнинг максимал суа сарфларини баҳолаш //Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Тошкент, 2010 йил. –Б. 232–235.
2. Расулов А.Р., Хикматов Ф. Х., Айтбаев. Д.П. Гидрология асослари. – Тошкент: Университет, 2003.-327 б.
3. Шульц. В.Л. Реки Средней Азии. –Л.: Гидрометеиздат, 1965.–692 с
4. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. –Ташкент: НИГМИ, 2007. -132 с.